2020 йил 26 февраль, чоршанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 28 [14.079]

Баҳоси эркин нархда

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ҚОЗОҒИСТОН БОШ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни иккинчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида мамлакатимизга келган Қозоғистон Республикаси Бош вазири Асқар Маминни қабул қилди.**

Учрашув аввалида давлатимиз раҳбари кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг ривожланиш суръати тобора ортиб бораётганини катта мамнуният билан қайд этди.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги мулоқотлар дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шерикликни мустаҳкамлашга, икки томонлама ҳамкорликни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилаётгани таъкидланди.

Асқар Мамин Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Қозоғистоннинг Биринчи Президенти – Элбоши Нурсултон Назарбоев ва Президент Қосим-Жомарт Тоқаевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Учрашувда, аввало, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, энергетика ва аграр тармоқларда, таълим, маданият соҳалари ва бошқа устувор йўналишларда амалий ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Товар айирбошлашдаги юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш учун қулай шароитлар яратиш, шунингдек, мамлакатларимиз етакчи компаниялари иштирокида кооперация ва инфратузилмани ривожлантириш лойиҳаларини илгари суриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма дастурлар асосида гуманитар ва туризм соҳаларида фаол алмашинувларни давом эттириш муҳимлиги қайд этилди.

Учрашув сўнггида кенг кўламли Ўзбекистон – Қозоғистон шериклиги доирасида янги иқтисодий кун тартибини шакллантириш бўйича "Йўл харитаси"ни тайёрлашга келишиб олинди.

**ЎзА**

## ТИББИЙ ЁРДАМ СИФАТИ ВА КЎЛАМИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚЛАР БЕРИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 февраль куни соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббий хизмат сифатини ошириш бўйича галдаги муҳим вазифалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.**

Давлатимиз раҳбари фаолиятининг илк кунларидан тинчликни асраш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашни ижтимоий ҳаётимизнинг энг муҳим йўналишлари этиб белгилаган эди. Ўтган йилларда бу борада улкан ислоҳотлар амалга оширилди.

Президентимизнинг 2018 йил 7 декабрдаги Фармонига мувофиқ, 2019–2025 йилларда Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси ҳамда тегишли дастур тасдиқланди. Барча ҳудудларда шифохоналар барпо этилиб, замонавий жиҳозланмоқда. Давлат муассасалари билан бир қаторда хусусий тиббиёт йўналиши ҳам жадал ривожланмоқда. Даволаш фаолияти турлари 50 тадан 126 тага кўпайтирилиб, қатор имтиёзлар берилгани туфайли ўтган йили 634 та хусусий тиббиёт муассасаси ташкил этилди.

Одамлар энг кўп мурожаат қиладиган шошилинч ва тез ёрдам йўналишида марказлашган яхлит тизим яратилди. Тез ёрдам бригадаларининг сони 818 тадан қарийб 2 мингтага етказилди ва аҳолига янада яқинлаштирилди. Ихтисослашган автомашиналар парки янгиланди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу йил январь ойида Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида соҳадаги ислоҳотларни давом эттириб, тиббий хизмат сифатини ошириш, хусусий тиббиётни ривожлантириш, адолат ва рақобатни таъминлаш бўйича ўз мулоҳазаларини баён қилди.

Йиғилишда ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Аввало, ихтисослашган тиббий ёрдам сифати ва кўламини ошириш лозимлиги таъкидланди. Қайд этилганидек, мамлакатимизда ҳар 10 минг аҳолига 23 нафар шифокор тўғри келмоқда. Маҳаллий тиббиёт ходимлари кўникмасини оширишга эътибор қаратилмаяпти. Ихтисослашган марказ ва ҳудудий муассаса ўртасида вертикал тизим шаклланмаган.

Даволаниш учун ордер бериш тизимида ижтимоий адолат таъминланмаётгани, бу жараёнда фақат давлат муассасалари иштирок этиши рақобатни чеклаётгани қайд этилди. Шу боис ордер бериш тизимини такомиллаштириш ва очиқлигини таъминлаш бўйича кўрсатмалар берилди.

Соғлиқни сақлаш соҳасини молиялаштириш тизими танқидий таҳлил қилинди. 20–30 фоиз маблағ самарасиз сарфланмоқда. Юртимизда бирламчи тиббий-санитария учун ажратилаётган маблағ улуши 35–40 фоизни ташкил этади. Хорижда эса бу кўрсаткич 60 фоиздан ошади.

Давлат ва хусусий тиббиёт учун тенг шарт-шароит, рақобат муҳити яратилмаган. Молиялаштиришда электрон тизимнинг йўқлиги маблағлар унумдорлигини таҳлил қилиш имконини бермаяпти. Соҳани молиялаштиришни такомиллаштириш, мажбурий тиббий суғуртага оид қонунлар қабул қилиб, уни босқичма-босқич жорий этиш муҳимлиги қайд этилди.

Кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида ҳам камчиликлар мавжуд. Масалан, фақат 12 та олий таълим муассасаси узлуксиз касбий малака ошириш ҳуқуқига эга. Ҳозирда 50 фоиз шифокор малака оширишга қамраб олинмаган. Шу боис, мазкур тизимни қайта кўриб чиқиб, бу борадаги қамровни кенгайтириш, малака ошириш курсларини Қорақалпоғистон ва вилоятлар марказларида ташкил этиб, мутахассисларга қулайлик яратиш бўйича топшириқлар берилди.

**Эскича услубда қолиб кетган тиббиёт коллежлари ўрнида Ибн Сино мактаблари ташкил этиб, дарс ва амалиётни замон талаблари асосида ўтиш зарурлиги таъкидланди.**

Жойлардаги соғлиқни сақлаш бошқармалари бюрократик тузилма бўлиб қолгани, ҳудудий даражада касалликларни таҳлил қилиш бўйича тизимли ишлар йўқлиги кўрсатиб ўтилди. Туман тиббиёт бирлашмаси раҳбари айни пайтда марказий шифохона бош шифокори бўлгани сабабли вақти ва маблағнинг асосий қисмини касалликларни даволашга сарфламоқда.

Давлатимиз раҳбари касалликлар профилактикаси масаласига алоҳида эътибор қаратиб, бошқарув идоралари ишини айнан шунга йўналтириш лозимлигини таъкидлади. Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, тўғри овқатланиш ва пиёда юришнинг саломатликка фойдасини тарғиб этиш муҳимлиги қайд этилди.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари ушбу вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари юзасидан тақдимот ўтказди.

**ЎзА**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда – МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, **МҲХС асосида** бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида "МҲХС бўйича молиявий ҳисобот" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд "Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)", "Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)", "Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)" ва "Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)" сертификатларидан (кейинги ўринларда – халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида **МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари** билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, ушбу бандда кўрсатилмаган **давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг** МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга **ўтиш жадвали** ҳар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МҲХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қуйидаги функциялар юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МҲХСнинг жорий этилишини, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар МҲХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш;

МҲХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан, бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда – аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants – ACCA) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МҲХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МҲХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МҲХСга мувофиқ уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услубиёти бошқармаси тузилмасида вазирликнинг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида учта штат бирлигидан иборат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилсин.

*(Давоми 2-бетда)*

## ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик бўйича иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми ташкил этилди.***

Ўзбек ва қозоқ элининг тарихи, тили, маданияти ва қадриятлари ўхшаш, халқларимиз азалдан бир-бирига елкадош бўлиб яшаб келади. Бу яқинлик бугунги кунда давлатлараро ҳамкорликка мустаҳкам асос бўлмоқда. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар 1998 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома ҳамда 2013 йилда имзоланган Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома асосида тараққий этмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги яқин қўшничилик, стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, ҳудудларнинг саноат салоҳияти ва имкониятлари тўғрисида ўзаро маълумот алмашиш, тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилиш ва истиқболли йўналишларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилган ушбу форумга Қозоғистондан ва мамлакатимиз вилоятларидан ишбилармон доира вакиллари ташриф буюрган.

*(Давоми 2-бетда)*

## 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни



***Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида "O'zbegim ayoli – 2020" Миллий мукофотини тантанали топширишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.***

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ФИДОЙИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

Шу муносабат билан театр саройига вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, онахонлар, турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизлар таклиф этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Норбоева, Миллий масс-медиани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди васийлик кенгаши раисининг ўринбосари С.Мирзиёева аёлларга ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, ижтимоий ҳимоясини кучайтириш масалалари давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келаётганини таъкидлади.

Юртимизда аёлларни қўллаб-қувватлашга оид лойиҳалар, ижодий танловлар, наинки онажонлар байрами арафасида, балки мунтазам ўтказилиши яхши анъанага айланган.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Тошкентда Ўзбекистон – Беларусь аграр форуми ҳамда икки мамлакат корхоналари маҳсулотлари кўргазмаси очилди. Мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган форумда Беларусь Республикасининг қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат вазирлиги мутасаддилари, соҳада фаолият юритаётган 70 га яқин фирма ва компания, илмий муассасалар, машинасозлик, қайта ишлаш корхоналари вакилларидан иборат катта делегация иштирок этмоқда. Тадбир Беларусь Республикаси ҳукумати ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда мамлакатимизнинг Беларусь Республикасидаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

**• Футбол бўйича Ўзбекистон XXVIII миллий чемпионати суперлигаси ўйинлари старти олдидан вилоят ва Наманган шаҳар ҳокимлиги масъуллари, клуб раҳбарлари, мураббийлар, футболчилар, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Наманганнинг "Навбаҳор" клубида янги мавсум тақдимоти бўлиб ўтди.**

**• Қорақалпоғистон Республикасида "Йил талабаси – 2019" республика танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг 17 та олий таълим муассасасидан келган ғолиб талабалар Қорақалпоғистонда тантанали кутиб олинди. Меҳмонлар Нукус шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди. Айниқса, дунёга машҳур И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи талабаларда алоҳида қизиқиш уйғотди.**

### ЖАҲОНДА

**• Коронавируснинг дунё бўйлаб тарқалиши кенгаймоқда. Жумладан, Хитойда касалланганлар сони 77 минг кишига етган бўлса, Италияда янги вирусни юқтирганлар 150 нафардан ошиб кетди. Ушбу оғир касаллик тарқалишининг олдини олиш мақсадида Италиянинг тегишли ҳудудларида мактаблар ёпилди, оммавий ва спорт тадбирлари бекор қилинди. Афғонистон ва Баҳрайнда эса коронавирус билан касалланишнинг дастлабки ҳолатлари қайд этилди.**

**• Туркия ва Эрон давлатларининг чегара қисмида Рихтер шкаласи бўйича 5,7 балли кучли зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши асосан Туркияга катта зарар келтирди. Бу ерда 9 киши ҳаётдан кўз юмди, 37 нафар одам турли даражадаги тан жароҳатлари олди. Вайроналар остида кўплаб кишилар қолиб кетган бўлиб, ҳозирда кенг кўламда қидирув-қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси 2020 йил 28 февраль куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ АЪЗОЛАРИНИНГ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2020 йил 27 февраль куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТНИНГ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРИГА ЎТИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

4. **Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича "Йўл харитаси" 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

2020 йил 1 июнга қадар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом;

2021 йил 31 январга қадар МҲХСни жорий этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва МҲХС бўйича мавжуд кадрлар салоҳиятини ўрганиш натижаларига кўра тайёрланган бухгалтерларни сертификатлаш миллий тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлилий маълумотнома;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини (кейинги ўринларда – давлат органларининг ходимлари) аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш жадвали ҳар йили тасдиқланишини таъминласин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг (кейинги ўринларда – тажриба-синов олий таълим муассасалари) "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича тезлаштирилган тарзда ўқитиш жадвалини тасдиқласин;

2020 йил 31 декабрга қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари асосида "Бухгалтерия ҳисоби ва аудит" бакалавриат таълим йўналишида ўқитишнинг кундузги шакли муддатини қисқартириш имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича МҲХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин;

2020 йилдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш ва кейинчалик мазкур тажриба-синов лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларида жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 январга қадар "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитилишини таъминласин, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида таҳсил олган педагог кадрлари тўғрисидаги маълумотлар базасини расмий веб-сайтида эълон қилсин ва доимий равишда уларни янгилаб борсин.

7. Белгилансинки:

2021 йилдан бошлаб, МҲХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда – АХС) бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади. Аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицензия олмасдан МҲХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида "МҲХС бўйича молиявий ҳисобот" ёки "АХС бўйича аудит" фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади;

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқ ҳисоботи шаклини қайта кўриб чиқсин ва унинг МҲХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботга мослаштирилган шаклини ишлаб чиқсин.

9. Белгилансинки, 2020–2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МҲХС бўйича ўқитиш, малака ошириш, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади ва қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) олий таълим муассасаларининг буюртманомаларига асосан:

олий таълим муассасаларининг "Бухгалтерия ҳисоби" ва "Аудит" фанлари бўйича педагог кадрлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (ўқишни тугатгандан сўнг олти ой ичида) имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда, биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

б) давлат органларининг буюртманомаларига асосан ўз ходимлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта – тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта – имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (кейинги ўринларда – МҲХС фонди) билан битим тузсин;

2020 йилда МҲХС ва унга тушунтиришлар матнини давлат тилига таржима қилиш, бошқа тилларда МҲХСни қўллаш билан боғлиқ ҳамда МҲХС фонди йиллик бадаллар тўлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча даромадлари ҳисобидан қопласин, 2021 йилдан бошлаб эса зарур маблағлар ажратилишини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида назарда тутсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

**Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А.Кўчқоров** – мазкур қарорнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин, белгиланган тадбирларни бажаришга масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чоралар кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси молия вазири** – МҲХС жорий қилиниши мониторингини таъминласин, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини МҲХС билан уйғунлаштириш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тажрибали ҳамда юқори малакали мутахассисларни МҲХСни жорий қилиш жараёнига жалб этиш бўйича чоралар кўрсин;

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У.Мажидов** – таълим жараёнларига МҲХСни чуқур ўқитишни муваффақиятли ва самарали жорий этиш, педагог кадрларни МҲХС бўйича сертификатлаш ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациялаш юзасидан барча зарур чораларни кўрсин, шунингдек, мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминласин;

**масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари** – мазкур қарор билан тасдиқланган "Йўл харитаси"да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д.Хаджаев** – мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, мавзуга оид телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2020 йил 24 февраль*

# ФИДОЙИ АЁЛЛАР ТАНЛОВИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*



Аслида соғу беморлигига қарамай, оиласи, муқаддас қўрғони, фарзанду невабалари атрофида доимий посбондек гирдикапалак бўлган, уларни оқ ювиб оқ тараган, умрини рўзғорнинг битмас-туганмас ташвишларига бағишлаган мушфиқ онахонларимиз, мунис аёлларимиз, чеҳрасидан нур ёғилувчи бувижонларимизнинг бари қаҳрамон.

"Milliy" телеканали мамлакатимизнинг барча онахонлари, аёлларига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатган ҳолда, ҳар йили "O'zbegim ayoli" Миллий мукофоти учун танлов-тақдимотни муваффақиятли ўтказиб келмоқда.

Жорий йилда мазкур мукофот учун бўлиб ўтадиган танловга мамлакатимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилаётган 100 нафардан ортиқ аёлнинг ҳужжатлари тақдим этилди. Танлов ғолибларини аниқлашда уларнинг ибратли фаолияти, фидойилиги, намунали эзгу амалларига асосий эътибор қаратилди. Ҳакамлар хулосаларига кўра, уларнинг ўн бир нафари ғолиб деб топилди.

"Самимий аёл" номинацияси ғолиби Сабоҳат Жалолова турмушнинг турли синовларини матонат билан енгиб келади. Сабри синовларда тобланган аёл ўзгаларга кўмаклашишдан чарчамайди. У Баҳодир Жалоловдек бокс бўйича чемпионнинг онаси.

Яна бир чемпион Муроджон Аҳмадалиевнинг онаси – Ойшахон Фаёзова ҳам мазкур номинациянинг ғолиби. Онахон ўттиз йилдан ортиқ ўқитувчи бўлиб ишлаб, эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини яраштирув комиссияси таркибида фаолият кўрсатмоқда. У кўплаб нотинч оилаларнинг ажралишига йўл қўймади. Эҳтиёжмандларни уй-жой, иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

"Сабрли аёл" номинацияси ғолиби Лола Раҳмонова дунёни қалб кўзи билан кўрса-да, бешта тилни билади.

"Иродали аёл" номинацияси соҳибаси Нилуфар Аҳмедова матонатини ҳаётнинг ҳеч қайси синовлари синдира олмаган. Эндиликда Нилуфар сузиш бўйича Ўзбекистон чемпиони.

"Довюрак аёл" йўналиши ғолиби Калбике Жиемуратова қанчадан- қанча чақалоқларнинг соғ-омон дунёга келишини таъминлаган. Дояликдек ғоят қалтис касбда она ва бола ҳаётини асрашни муқаддас бурч, деб билади.

– Эллик бир йилдан бери шу соҳада меҳнат қилмоқдаман, – деди К.Жиемуратова. – Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан бизнинг Мўйноқда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар олиб борилмоқда. Буларнинг барчаси қалбимизга ифтихор бағишлайди.

Тадбирда яна бир гуруҳ фидойи аёлларимиз турли номинациялар бўйича ғолиб бўлдилар.

Тадбирда мукофот соҳибаларига махсус статуэтка, диплом ва эсдалик совғалари тантанали топширилди. Мафтункор баҳор соғинчи, жонажон Ватанимиз, мунис онажонларимиз мадҳ этилган куй-қўшиқлар ижро этилди.

**Назокат УСМОНОВА**

# ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон – Қозоғистон иккинчи ҳудудлараро ҳамкорлик форуми доирасида учта шуъба йиғилиши, хусусан, "Ишлаб чиқаришда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш орқали чегарадош ҳудудларда инвестицион ҳамкорлик истиқболлари", "Агросаноат секторини ҳамкорликда ривожлантириш" ҳамда "Инсон капиталини ривожлантириш: етакчилик асослари" мавзуларида мунозаралар бўлиб ўтди. Икки мамлакат вазирлик, идоралари масъул ходимлари, ҳудудлар, ташкилотлар ва компаниялар раҳбарлари, иқтисодчи олимлар маърузалари тингланди.

– Ушбу форум ҳар икки томон учун бирдай фойдали, – дейди Қозоғистон Республикаси савдо ва интеграция вазири ўринбосари Кайрат Торебаев. – Ўзбек – қозоқ тадбиркорлари азалдан ҳамкорлик қилиб келган ва бундан давлатларимиз ҳам манфаатдор. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар фаоллашиши натижасида 2018 йил ноябрь ойида Чимкент шаҳрида биринчи Ўзбекистон – Қозоғистон ҳудудлараро ҳамкорлик форуми бўлиб ўтди. Анжуман доирасида кўплаб савдо-инвестициявий шартномалар, ҳудудлараро муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувлар имзоланди. Шундан буён ўтган икки йил мобайнида ўзбекистонлик шериклар билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш, транспорт-логистика соҳасидаги ҳамкорлик, ҳудудлар даражасидаги ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва бошқа масалаларда аниқ ижобий натижаларга эришдик.

Сўнгги йилларда ҳудудлар ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва туристик алоқаларни ривожлантириш мақсадида маҳаллий раҳбарлар бошчилигидаги ишбилармон доиралар вакиллари ўртасида ўзаро ташриф алмашиниш амалиёти йўлга қўйилди. Ташрифлар доирасида бизнес форумлар ва ҳудудларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмалари ўтказиб келинмоқда.

Халқаро форум доирасида чегарадош ҳудудлар бизнес вакиллари иштирокида контактлар биржаси ўтказилди, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шартномалар имзоланди. Икки томонлама муносабатларни ривожлантириш бўйича келишувларга эришилди.

– Биз 2011 йилдан буён курка гўшти етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланамиз, – дейди қозоғистонлик тадбиркор Мурат Тоғаев. – Корхонамизда ҳар йили ўн минг тонна курка гўшти етиштирилади, шунинг ярмидан кўпи қайта ишланади. Ҳозир курка гўштидан 85 турдаги маҳсулот етиштиришдан ташқари, ушбу парранда терисини қайта ишлаб, тайёр маҳсулот сифатида савдога чиқармоқдамиз. Ўзбекистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйганимизга бир йилдан ошди. Корхонамиз Россия, Беларусь каби давлатлар билан ҳам ҳамкорлик қилади, бироқ энг яқин қўшнилар билан савдо қилиш жуда қулай. Бугун яна бир қатор фирмалар билан йилига жами 1000 тонна курка гўшти етказиб бериш бўйича шартнома имзоладик. Ушбу форум биз учун жуда манфаатли ва самарали бўлди, деб бемалол айта оламан.

Халқаро форум доирасида Ўзбекистон ва Қозоғистон саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Кўргазмада икки мамлакатда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш моллари ва техникалари, жамоат транспорти, замонавий енгил автотранспорт воситаларидан тортиб енгил саноат маҳсулотларигача намойиш этилди. Иштирокчилар ўртасида импорт ва экспорт шартномалари тузилди.

Тадбир нафақат янги ҳамкорлар топиш ва улар билан алоқа ўрнатиш, янги бозорларни эгаллаш ҳамда инвестиция киритиш ёки жалб қилиш учун ажойиб имконият яратади, балки халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстона ва яхши қўшничилик ришталарини янада мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири**

# СУНЪИЙ ИНТЕЛЛЕКТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

***Ўзбекистон Инновацион ривожланиш вазирлигида ҳамкор ташкилотлар ҳамда тадбиркорлар иштирокида мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқларида сунъий интеллектни ривожлантириш концепцияси ва "Йўл харита"сини ишлаб чиқишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.***

– Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг 2019 йили эълон қилган маълумотига кўра, 1960 йилдан 2018 йилга қадар сунъий интеллект билан боғлиқ 340 000 та патент олинган ва 1 636 649 та илмий мақола чоп этилган, – деди инновацион ривожланиш вазири ўринбосари Азимжон Назаров. – 2002-2017 йиллар оралиғида сунъий интеллект соҳасида чоп этилаётган мақолаларнинг йиллик ўсиш суръати 5,6 фоизни ташкил этмоқда. Олинган патентларнинг йиллик ўсиш суръати эса қарийб 28 фоизни ташкил этади.

Давра суҳбатида мамлакатимизда сунъий интеллектни ривожлантириш ва ушбу соҳада илғор мамлакатлар қаторидан жой олишимиз учун фундаментал ва амалий асослар мавжудлиги қайд этилди. Шунингдек, вазирлик мутахассислари томонидан тайёрланган тақдимотда халқаро миқёсда сунъий интеллектга қизиқиш ортиб бораётгани айтиб ўтилди. Рақамли иқтисодиёт бўйича етакчилик қилаётган мамлакатлардаги (АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Япония, Германия, Франция ва бошқалар) сунъий интеллектни ривожлантириш стратегияси ҳақида маълумотлар берилди.

Анжуманда қатор лойиҳалар тақдимоти ҳам ўтказилди.

**Ш.МАМАТУРОПОВА**

# ХАЛҚАРО АМАЛИЙ МУЛОҚОТ

***Инсон ҳуқуқлари бўйича марказ делегацияси Буюк Британияда сафарда бўлди. Ташрифдан кўзланган мақсад парламентаризмни ривожлантириш ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар фаолиятини такомиллаштириш борасида ўзаро тажриба алмашишдан иборатдир. Делегацияга Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, мазкур марказ директори Акмал Саидов бошчилик қилди.***

Ташриф доирасида бир қатор муҳим учрашувлар ўтказилди. Мулоқотлар давомида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро мажбуриятларни бажариш, БМТ органларининг бу борадаги тавсияларини амалга оширишда парламентлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтларнинг ўрни ҳамда аҳамияти муҳокама қилинди.

А.Саидовнинг Буюк Британия парламенти Жамоатлар палатаси Спикерининг ўринбосари Элеонора Лэнг билан учрашувида ўзаро ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари кўриб чиқилди. Элеонора Лэнг Ўзбекистонда парламентнинг мавқеини кўтариш борасида ижобий қадамлар қўйилаётганини эътироф этиб, қонун чиқарувчи орган тизимига очиқ овоз бериш ва мажлисларни онлайн шаклда эфирда намойиш механизми татбиқ этилганини таъкидлади.

Жамоатчилик палатаси Спикерининг ўринбосари, шунингдек, Ўзбекистон сайлов тизимидаги ислоҳотларни қутлади. Мамлакатда янги қабул қилинган Сайлов кодексида маҳкумларнинг парламент сайловида иштирок этиш ҳуқуқи мустаҳкамланганига эътибор қаратар экан, Буюк Британияда қамоқдаги шахсларнинг бу ҳуқуқига нисбатан тўла тақиқ мавжудлигини қайд этди.

Элеонора Лэнг Буюк Британия парламенти аъзолари парламентаризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўзаро тажриба алмашишдан манфаатдор эканини билдирди. "Бизнинг энг кўҳна демократиямиз билан сизнинг энг навқирон демократиянгиз самараларини қиёсий таҳлил қилиш биз учун ниҳоятда қизиқарлидир", деди у.

Ўз навбатида, делегация аъзоларининг Буюк Британия парламенти Лордлар палатаси аъзоси, баронесса Алисон Сатти билан учрашувида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишда фуқаролик жамиятининг роли ҳамда парламентлараро ҳамкорликнинг аҳамияти ҳақида сўз борди. Алисон Сатти Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган мамлакат тараққиёти стратегик йўналишларининг мазмун-моҳияти билан қизиқди.

Делегациянинг ташрифи доирасида Буюк Британия парламентининг Консерваторлар партиясидан сайланган депутати Эндрю Бриджен раислигидаги Ўзбекистон бўйича Умумпартия парламент гуруҳи аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Ушбу гуруҳга 2009 йили асос солинган, у Буюк Британия парламентида 2017 йили қайта рўйхатдан ўтган. Томонлар янги таркибдаги мазкур парламент гуруҳининг дастлабки мажлиси натижалари ҳақида фикрлашдилар.

Эндрю Бриджен Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, ушбу дастуриламал ҳужжатнинг стратегик моҳиятга эгалигини алоҳида таъкидлади. Буюк Британия парламенти аъзолари томонидан давлатимиз раҳбарининг прописка тизимини ислоҳ қилиш, 1995 йилгача Ўзбекистонга келган ва шундан буён истиқомат қилаётган шахсларга Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги автоматик тарзда берилишига доир ташаббуслари, шунингдек, ҳукуматимизнинг чет элларда меҳнат фаолияти билан банд бўлган Ўзбекистон фуқароларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги амалий ишлари юқори баҳоланди.

Мулоқотлар асносида Британия томони Ўзбекистоннинг БМТ Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш бўйича халқаро ташаббусларига юксак баҳо берди. Шу билан бирга, жорий йилнинг май ойида бўлиб ўтадиган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форумида иштирок этиш истаги билдирилди.

Бундан ташқари, делегация аъзолари Буюк Британия Адлия ҳамда Ташқи ишлар вазирликлари, Тенглик ва инсон ҳуқуқлари масалалари бўйича комиссия, Қиролича ҳузуридаги Болаларни ҳибсда сақлаш жойлари инспекцияси, "Глобал ҳамкорликни бошқарув" ноҳукумат ташкилоти вакиллари, шунингдек, инсон ҳуқуқлари бўйича илмий тадқиқот ва таълим марказлари экспертлари билан учрашувлар ўтказди.

**Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг матбуот хизмати**

***Фарзанд – оила қувончи, жамият таянчи. Боланинг соғлом, илмли ва иродали бўлиб улғайиши нафақат ота-она, балки давлатимиз сиёсатининг ҳам эзгу мақсадларидан биридир. Шу боис истиқлолимизнинг илк кунлариданоқ болаларга юксак меҳр ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.***

# ФАРЗАНД – ОИЛА ҚУВОНЧИ, ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида мамлакатимизда тиббиётнинг кўпгина йўналишлари қатори оналик ва болаликни муҳофаза қилишнинг ўзига хос тизими шакллантирилди. Перинатал ва скрининг хизматлари, шунингдек, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларигача барча даражаларни қамраб олган оналар ва болаларга тиббий ёрдам кўрсатишнинг яхлит ва мукаммал ташкилий тузилмаси яратилди.

Мамлакатимизда ҳар йили тиббий муассасаларни модернизация қилиш, уларнинг янги технологиялар билан таъминланиши, она ва бола саломатлиги муҳофазаси йўналиши бўйича кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида нафақат пойтахтда балки вилоят тиббий муассасаларида ҳам аҳолининг барча қатламига ўз вақтида тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Тарихни эсга олганимизда бу кунларга шукроналар айтгимиз келади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архивида соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасаларнинг Иккинчи жаҳон уруши даврига оид бўлган ноёб тарихий ҳужжатлари сақланади. Айниқса 1941-1945 йилларда Ўзбекистонда тиббиётнинг ривожланиши, халқ саломатлиги ҳамда бу даврда оналар ва болаларнинг саломатлиги йўлида олиб борилган ишлар ҳақида кўплаб маълумотларни олиш мумкин. Ўзбекистонда уруш туфайли оналик ва болаликни муҳофаза қилиш иши бироз сусаяди. Бу ҳолат 1943 йил 20 апрелда СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг 181-сонли буйруғида ҳам қайд этилди. Унда таъкидланишича, Ўзбекистон ССР, Қирғизистон ССР, Татаристон АССР каби ҳудудларнинг Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги туғруқ ишлари устидан назоратни сусайтирганлар. Натижада бу ҳудудларда туғруқ муассасалари фаолияти кўрсаткичлари ёмонлашган. Бу даврда туғруқ жараёнида тиббий ёрдам кўрсатиш 1940 йилга нисбатан икки мартага камайган. Оналар ва болалар ўртасида даволаш-профилактика ишларининг пасайиши, саноат корхоналари қошида ишчи аёллар учун акушер-гинекология хизматининг йўлга қўйилмаганлиги, туман соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарлари қишлоқ шароитида колхоз туғруқ уйлари тармоғини асоссиз қисқартиришлари каби омиллар соҳа ишига салбий таъсир кўрсатди.

Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида фаолият олиб борган болалар уйларида ҳам аҳвол яхши эмас эди. Масалан, Тошкент шаҳри Сталин райони партия йиғилишида гўдаклар уйи фаолиятидаги салбий жиҳатлар очиб ташланади. Мазкур уйда тарбияланувчи болаларнинг аҳволи анча оғир бўлиб, 1942 йилнинг биргина ноябрь ойида 270 та боладан 46 таси турли сабабларга кўра вафот этади. Шуни яна алоҳида таъкидлаш жоизки уруш йилларида Ўзбекистонда айниқса болаларга ғамхўрлик кўрсатилган. Бизнинг архивда сақланаётган ҳужжатларни ўрганиш натижасида шундай маълумотларга эга бўлдикки, биргина Фарғона вилоятидаги болалар уйларидан 1942 йилда 72 нафар бола оилаларга боқув учун қабул қилиб олинган. 18 нафари эса давлат қарамоғидаги бошқа муассасаларга топширилган.

1943 йил мартида Москвада болалар соғлиғини сақлаш масаласига бағишланган Бутуниттифоқ анжумани бўлиб ўтди. Анжуман ҳужжатларида мамлакатда туғруқ ишларининг ташкилий-услубий жиҳатлари, оналар ва болалар ўлими тафсилотлари ўрганилиб, натижалари туғруқхона ва аёллар маслаҳатхоналари врачлари конференцияси ва бошқа йўналишларда муҳокама этилиши, колхоз туғруқ уйларини қайта ташкил этиш, қишлоқларда туғруқ ишлари раҳбарлигини яхшилаш, саноат корхоналарида акушер-гинекология кабинетлари ташкил этиш каби масалаларга тўхталиб ўтилди.

Белгиланган тадбирлар ижросини таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. 1943 йил ёзги соғломлаштириш даврида Ўзбекистонда уруш қатнашчиларининг 51 мингдан ортиқ болалари санаторий, дам олиш уйлари ва пионер лагерларига юборилди. 1944 йил 30 сентябрда ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган буйруғи эълон қилинди. Буйруқда қишлоқ жойларида ва ишчи посёлкаларида болаларга кўрсатилаётган тиббий ёрдамни яхшилаш мақсадида Когон, Марғилон, Каттақўрғон, Термиз ва Чирчиқда болалар амбулаториясини ташкил этиш, туғруқ ўринларини кўпайтириш, республиканинг йирик шаҳарларида аёллар маслаҳатхоналарини очиш, колхозлараро акушерлик пунктларини ташкил этиш каби тадбирлар белгиланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда оналар ўлими 3,1 баробар, гўдаклар 3,2 баробар камайди. "Она ва бола скрининги" дастури амалга оширилиши натижасида туғма нуқсонли болаларнинг туғилишини камайишига олиб келди.

Шу билан бирга, юртимизда инсон ҳаёти учун хавфли бўлган аксарият юқумли касалликлар профилактикаси бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг 98 фоиздан ортиғи олдини олиш мумкин бўлган инфекцияларга қарши эмланмоқда.

Мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ишларни жуда кўп мисолларда эътироф этиш мумкин. Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътибор оғушида эканлигини, уларнинг эзгу орзулари ушалиши учун мустаҳкам пойдевор қўйилганлигини англатади. Асосийси, бу ишларнинг барчаси фуқаролар учун, аҳолимиз саломатлиги, айниқса, келажагимиз пойдевори бўлмиш – фарзандлар соғлиғини мустаҳкамлаш йўлида қилинмоқда. Бир сўз билан айтганда, давлатимиз мустақиллигининг илк йилларидан бошлаб ҳар куни ва ҳар соатда соғлом, баркамол авлодни шакллантириш йўлида мислсиз ишларни амалга ошириб келмоқда.

**С.КУЧКАРЕВА,**
**"Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви" катта илмий ходими**

# БЕШ ТАШАББУС – БЕШ ИМКОНИЯТ

***Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташаббус доирасида Чилонзор тумани Халқ таълими бўлими тасарруфидаги 90-умумтаълим мактабида ҳам муассоса раҳбари Марҳамат Ахмедова бошчилигида бир қатор самарали тадбирлар ўтказиб келинмоқда.***

Тадбирларда катта қизиқиш билан қатнашган ўқувчилар муассасада ташкил этилган тўгаракларда ўзлари қизиққан йўналишлари бўйича кўникмаларини бойитиб боришмоқда. Ўқувчиларнинг мусиқа, рассомлик, адабиётга бўлган қизиқишини ошириш мақсадида ташкил этилган тўгаракларнинг иш фаолияти бугунги кунда ўз самарасини бермоқда. Хусусан, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Феруза Хасанова раҳбарлигида 10-А синф ўқувчиси Кийишжон Олломова "Зулфияхоним" танловида туман, шаҳар босқичларида 1-ўринни қўлга киритиб, Республика босқичига йўлланма олди. Кийишжон ўзининг шеърий тўпламлари билан "Мен муаллифман" Республика танловида иштирок этиб, фахрли 1-ўринни эгаллади. Тенгдошларини адабиётнинг сирли оламига бўлган қизиқишини ошишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Спорт – мактабимизда энг ривожланган ва энг севимли йўналишлардан бири десак янглишмаймиз. Мактабнинг кўп йиллик тажрибали, олий тоифали устози Марс Валиуллин бошчилигидаги волейбол тўгараги аъзолари бир неча юксак мусобақаларнинг иштирокчилари, Республика миқёсидаги беллашувлар ғолибларидир. Айни кунларда ёш волейболчиларимиз ўғил болалар ва қизлар ўртасида Чилонзор туманида биринчиликни қўлга киритиб, Тошкент шаҳар босқичига йўлланмага эга бўлишди.

Мактабимизнинг энг фахрли устозларидан яна бири Ўзбекистон Халқ ўқитувчиси Бахтиёр Каримов ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида фидокорона меҳнат қилиб келмоқдалар. Ўқувчиларга рақамли иқтисодиёт, унинг ҳаётимиздаги аҳамиятини уқтиришда уларнинг ҳиссаси беқиёс.

Ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш йўлида мактаб кутубхонасида катта шароитлар яратилган. Шинам кутубхонамиз фондида юзлаб бадиий, илмий китоблар тўпланган бўлиб, барча фан ўқитувчилари ўқувчилар қалбида китобхонликка нисбатан меҳр уйғотиш йўлида якдиллик билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Ҳунар – ўғилдир, қиздир барчанинг ҳаёт йўлларида кўмак берувчи туганмас бойлик. Ўқувчиларимиз, айниқса қизлар томонидан мактабимизнинг тажрибали технология фани ўқитувчиси Нодира Сагдуллаева томонидан ташкил этилган "Моҳир қўллар" тўгарагида ўрганилган бетакрор қўл меҳнати маҳсулотлари барчамизнинг кўзимизни қувнатади. Айниқса, 5-Б синф ўқувчиси Мунира Ғофурова томонидан яратилган бисер билан тўқишда санъат даражасига олиб чиқилган гўзалликлар турли ташкилотлар эътирофига сазовор кўрилиб, Қўқон ҳунармандлар фестивалига йўлланма берилди. Фестивалда "Энг ёш ҳунарманд" номинациясида ғолибликни қўлга киритган Мунирага бир қатор хорижий мамлакатлардаги кўргазмаларда иштирок этиши учун таклифлар берилди. У Россиядаги "Руками женщин" фестивалида 2-ўринни қўлга киритган бўлса, Индонезия ҳунармандлар танловида 1-ўринни эгаллади. Эндиликда уни АҚШ, Украина, Афғонистон, Франция ва бошқа кўплаб мамлакатлар танловлари кутмоқда. Тенгдошлари унинг ютуқларидан илҳомланиб, ўзларини ҳунарнинг турли жабҳаларида синаб кўрмоқдалар.

Мактабимизда юртимизнинг эртанги порлоқ истиқболини мустаҳкам пойдеворини тиклашга аҳд қилган ана шундай истеъдодли ёшлар таълим ва тарбия олмоқдалар. Мактабнинг фидокор ва жонкуяр устозлари уларнинг ҳар томонлама баркамол шахс бўлиб вояга етишлари учун бор имкониятларини ишга солишда давом этадилар.

**Насиба НИГМАТХЎЖАЕВА,**
**Чилонзор туманидаги 90-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

# ХАЛҚАРО АНЖУМАН

***Тошкент темир йўл муҳандислари институтида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида "Бешлар иттифоқи" халқаро ёшлар анжумани ташкил этилди.***



Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O`zLiDeP фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгаш депутатлари, турли вазирлик ва идора вакиллари, партиянинг "Ёшлар қаноти" фаоллари, Афғонистон, Қирғизистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ташриф буюрган ёшлар қатнашди.

Анжуманда асосий эътибор Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларимизни чуқур билим, юксак маънавият ва маданият эгаси этиб тарбиялаш йўналишидаги вазифалар ҳамда O`zLiDePнинг Сайловолди дастурида ёшлар билан ишлаш йўналишидан келиб чиқиб, истеъдодли, юрт шаънини халқаро майдонларда ҳимоя қилишга бел боғлаган ёшларни халқаро ташкилотлар фаолияти ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилик жараёнлари билан яқиндан таништириш, уларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини юксалтириш масалаларига қаратилди.

Тадбирда сўз олганлар O`zLiDePнинг ёшлар билан ишлаш йўналишида турли анжуман, семинар, тренинглар ташкил этган ҳолда, уларда оммавий нутқ ва музокара кўникмаларини кучайтириш муҳимлигига тўхталиб ўтишди. Уларнинг халқаро ҳужжатлар билан ишлаш қобилиятини ривожлантириш, қолаверса, дунёнинг ҳозирги кундаги долзарб муаммоларига ечим топиш учун айнан, Ўзбекистон ва халқаро ёшларни бир мақсад йўлида бирлаштириб, уларнинг фикр ва таклифларини ўрганиш ва ҳаётга татбиқ этиш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келаётганлигини қайд этишди. Бу эса, мамлакатимиз ёшларига янада кўпроқ имкониятлар эшигини очишга хизмат қилади.

Анжуман доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда, ёшлар ишсизлиги ва миграциясининг олдини олишда таълимнинг тутган ўрни, Европа Иттифоқи аъзо давлатларининг ёшлар орасида жиноятчилик даражаси ва уни олдини олишнинг муайян ислоҳотлари, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти аъзо давлатлари ўртасидаги анъанавий туризм соҳасини ривожлантириш истиқболлари, ривожланаётган давлатларда Жаҳон Банкининг самарали қарз бериш таъминоти орқали аёллар ва ёшлар ташаббускорлигини қўллаб-қувватлаш каби мавзуларда муҳокамалар олиб борилиб, таклифлар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, анжуманнинг иккинчи куни иштирокчилар ўртасида "Энг яхши ғоя" танлови ҳам ўтказилди. Бунда соҳа вакиллари, экспертлар ёшларнинг гуруҳларда кўрсатилган масалалар юзасидан тайёрлаган тақдимотларини баҳолаб, амалиётга татбиқ этиш орқали, кўриб чиқилган масалаларни ҳал этишга ўз ҳиссасини қўшадиган энг яхши ғояларни танлаб олдилар.

Уч кун давом этган анжуман давомида муҳокама қилинган мавзулар юзасидан иштирокчилар ва соҳа мутахассислари иштирокида резолюция қабул қилиниб, БМТ, ШҲТ, Европа Иттифоқи, Жаҳон Банки каби халқаро ташкилотларнинг мамлакатимиздаги ваколатхоналари, марказлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

Ёшларнинг ўзига хос шижоати, баҳс-мунозаралар, янгидан-янги ғоялар асосида ўтган анжуман якунида "Энг яхши ғоя" танловида ғолиб бўлган ва фаол иштирок этган мамлакатимиз ҳамда хориждан ташриф буюрган иштирокчиларга O`zLiDePнинг сертификат ва эсдалик совғалари топширилди.

**Зиёда РАСУЛОВА**

# ТЎЙЛАРНИ ДАБДАБА БИЛАН ЎТКАЗИШГА УРИНАЁТГАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗ БОР...

***Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда бошқа мутасадди вазирлик, идоралар раҳбарлари иштирокида Олий Мажлис палаталари кенгашларининг тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида қўшма қарори ижросига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

Тадбирда халқимиз орасида ҳамон тўйларни дабдаба билан ўтказишга уринаётган ҳамюртларимиз учраётгани таъкидланди. Бу эса барча мутасаддилар кенг жамоатчилик билан биргаликда амалга ошираётган фаолиятини янада кучайтириши зарурлигидан далолат.

2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда Сенати кенгашларининг "Тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказилишини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қўшма қарори қабул қилиниб, мазкур ҳужжат асосида тасдиқланган низом жорий йилнинг 1 январидан кучга кирди. Сенаторлар ва депутатлар ҳудудларда аҳоли билан учрашувларда мазкур ҳужжатлар талаблари ҳақида батафсил тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Тўй ва маросимларни ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгилашни назарда тутадиган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳаси тайёрланди.

Лойиҳада тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар ўтказиш тартибини мазкур тадбирларни ўтказувчи шахс ёки тўйхона, кафе ва ресторанларнинг мансабдор шахслари томонидан бузиш ҳолатларида қўлланиладиган жарима миқдори белгиланган. Қонун лойиҳаси тез орада Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан маъқуллангандан кейин Сенат муҳокамасига киритилади.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита маълумотларига кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво бўлими томонидан "Тўй, маросим ва маъракаларни меъёрида ўтказиш ҳақида фатво" лойиҳаси тайёрланган. Транспорт вазирлиги эса Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда тўйлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларда пуллик автотранспорт хизмати кўрсатиш фаолиятини алоҳида назоратга олган.

**Моҳигул ҚОСИМОВА**

## Реклама ва эълонлар

Собиқ 7-сонли бизнес мактаби томонидан 1998 йилда Сахатова Гўзал Жалоловна номига берилган № 012264 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Сергели тумани 264 (35)-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1967 йилда Тен Людмилага берилган № 424122 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент давлат аграр университети томонидан 1996 йилда Алламуродов Исмоил Турдиалиевич номига берилган № 095870 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Ўзагросуғурта" АЖ Тошкент вилояти Қибрай тумани бўлинмаси, Чирчиқ суғурта марказининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан Расулов Муҳаммад-Бобур Бадриддин ўғли номига Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, С.Юсупов кўчаси манзилида жойлашган дўкон учун берилган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур туманидаги 38-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 1992 йилда Зиямухамедова Наргиза Назруллаевна номига берилган № 091858 рақамли умумий ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Марказий" маҳалласи, Чаман 2-кўчаси, 46-уй (аввалги Саксонота Қ.Ф.Й., "Саксонота" маҳалласи, С.Муханов кўчаси)даги Юқори Чирчиқ тумани Давлат нотариал идорасининг 2009 йил 18 июндаги Р-1-3807-сонли қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномасига асосан меросхўрлар Зарипов Рим Адиевич, Жилкин Валерий Николаевич ҳамда Исматова Роза Адиевналарга ва Юқори Чирчиқ тумани Давлат нотариал идорасининг 2009 йилдаги 1 июль Р-1-4118-сонли қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳномасига асосан меросхўрлар Адиев Ильдар Рашид ўғли ва Адиев Ильнур Рашид ўғлига тегишли бўлган кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДК томонидан Чилонзор тумани, 20-мавзе, 21-уй ёнида жойлашган "MUNAVVARA FAYZ IMKON" МЧЖга тегишли бўлган ер участкасига 30.08.2017 йилда TS 0073108-сонли гувоҳнома ва 10:03:05:01:03:0110 рақамли нотурар жойнинг кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти жамоаси институтнинг "Автомобиль транспорти эксплуатацияси" кафедраси профессори Кахрамон Миллябаевич Сидикназаровга турмуш ўртоғи
**Вазира Тулагановна СИДИКНАЗАРОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Турон фанлар академияси академиги, профессор Абдуғани Тожибоевга синглиси
**Хамидахон Муродова АБДУМАЛИК қизининг**
вафот этганлиги муносабати билан ҳамкасблари ва дўстлари чуқур таъзия изҳор қилади.

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **27 февраль** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир, қор, кечаси ва эрталаб ёмғир кучайиши мумкин. Ғарбдан секундига 5-10, кучайган ҳолда 15-20 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси ва кундузи – 3-5 даража илиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 февралда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

***Кўча-кўйда, кишилар билан муомалага киришганда, ўзаро суҳбатларда мақоллардан фойдаланамиз. Мақол ота-боболаримизнинг узоқ йиллар давомида кўрган-кечирганлари, тажрибалари асосида юзага келган хулосалари.***

# СЎЗНИНГ ҲУСНИ – МАҚОЛ

Тил, фалсафа ва бадиий ижоднинг ўзига хос ҳодисаси сифатида юзага келган халқ мақоллари фольклорнинг ихчам шакли, аммо теран мазмунга эга бўлган бир жанрдир.

Мақолларнинг ҳар бири тилимизнинг кўрки, нутқимиз нафосати, ақл-фаросати ва тафаккуримиз мантиқини ҳайротомуз бир қудрат билан намойиш этган ва эта оладиган бадиият қатраларидир. Халқимизнинг кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ва маиший турмуш тарзининг бамисоли бир ойнаси. Бу ойнада унинг ҳаёт, жамият, оила, табиат ва инсонга, ижтимоий-сиёсий, маънавий, фалсафий қарашлари намоён бўлади. Шу сабабли мақоллар ғоятда кенг тарқалган бўлиб, у жонли сўзлашув ва ўзаро нутқий муносабатлар, бадиий, тарихий, илмий асарларда доимий равишда қўлланиб келмоқда.

Мақол халқнинг кўп асрлар мобайнида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаётда тўплаган тажрибалари, кузатишлари асосида юзага келади ва халқ оғзаки ижодининг бошқа турларидан ихчамлиги, чуқур мазмунга эгалиги билан ажралиб туради.

Мақол атамасига тўхталадиган бўлсак, мақол арабча – "қавлун" – гапирмоқ, айтмоқ сўзидан олинган бўлиб, айтилиб юриладиган ифода ва ибораларга нисбатан қўлланилади. Мақолларни бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилинса, унинг яхлит маъносига путур етади. Шунинг учун ҳам бир тилдаги мақол ва матал каби барқарор бирикмаларни сўзма-сўз таржима қилинмайди, уларни ўша тилда мавжуд бўлган эквивалентлари ёки мазмунан яқин маънодоши топилади.

Мақол ибратли сўздир. У шундай сўзки, сўзга ҳусн беради, фикрни тушуниб олишни осонлаштиради, уни ёрқин, таъсирчан қилади. Шунинг учун ҳам мақол одамлар нутқида ҳар доим ҳамроҳ бўлади. Кимки уни кўп ишлатса, ўшанинг нутқини ширали дейдилар ва диққат билан эшитадилар. Шу сабабли ҳам мақоллар бадиий адабиёт, ҳикоя ва романларимиз, қолаверса шеър ва достонларимизда ҳам кўп ишлатилади. Ҳатто, мумтоз адабиётимизда бошидан охиригача мақол билан ёзилган асарлар ҳам бор. Масалан, Гулханийнинг "Зарбулмасал"и.

Муҳаммад Шариф Гулханий Қўқон хонлигида яшаб ижод қилган, истеъдодли шоир ва моҳир масалчи. Унинг ижодий фаолиятидаги энг муҳим фазилат шундан иборатки, у ўз даврининг фольклоршуноси сифатида ўзбек халқининг беқиёс донишмандлигини ифода этган масаллар, мақолларни тўплаб, машҳур "Зарбулмасал" асарини яратди. Гулханий асарнинг кириш қисмида унинг ёзилиш сабаби ҳақида тўхталиб, хон саройидаги шеърий мажлисларнинг бирида мақолларнинг бадиий ижоддаги ўрни ҳақида гап кетганлигини қайд этади. Бу эса, ижодкорнинг асари дунёга келишига асос бўлиб хизмат қилган. Ижодкор "Зарбулмасал"ни ёзишда мақол, матал, нақл ва халқ оғзаки ижодининг 400 га яқин намуналаридан фойдаланган. Асарда ҳайвонлар, қушлар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар орқали инсонлар, одамлар ҳақида сўз юритилади. Демак, бизга бегонадай бўлиб турган бу асар аслида биз, одамлар ҳақида экан. Ўзимиз ҳақимиздаги асарни ўқимасдан бўладими?

Чунончи, Бойўғли тилидан айтилган: "Сопол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас" ёки Кордоннинг: "Қариндошин ўлса-ўлса, қадрдоннинг ўлмасин". Кўркушнинг тилидан айтилган: "Яхшилик қил, сувга сол, сув билмаса балиқ билур, балиқ билмаса, ҳолиқ билур" каби мақолларни намуна тарзида кўрсатишимиз мумкин.

Асардаги айрим мақолларнинг инглиз тилидаги вариантларини ҳам бир кўриб чиқсак ва солиштирсак. Масалан: "Бойликдан мақтанма, мақтанган қиз тўйда уялар" мақоли ўзининг услубий жиҳатдан қай даврга мансуб эканлиги яққол сезилиб туради. Агар шунга ўхшаш қадимий инглиз мақолларига назар соладиган бўлсак, **"A fool's bolt is soon shot"** мақоли. Мақолнинг асл таржимаси "Аҳмоқнинг камон ўқи тезда отилар". Ўзбекча муқобил варианти эса "Аҳмоқнинг бошига ақл ёпиштириб қўйсанг, қўли билан кўчириб ташлайди". Агар таржимадан келиб чиқадиган бўлсак мақолни узоқ ўтмишда яратилганига шубҳа йўқ. Чунки унда ишлатилган "bolt" яъни "камон ўқи" ўтмишда, уруш даврларида яратилгани сезилиб туради.

Мақолларда ибратлилик, панд-насиҳат каби жиҳатлар устун туриши орқали ўзининг умуминсоний жиҳатларини кўрсатади. Юқорида келтириб ўтган мақолларимизни ҳам ҳозирги кунда нутқимизда фаол қўллашимиз мумкин.

Мақол халқнинг тарихи, урф-удуми, турмуш тарзи, феъл-атвори, руҳияти, қўйингки, бутун борлиғини акс эттиради. Шунга кўра мақоллар хилма-хил мавзуларда бўлиши мумкин. Масалан, дўстлик, Ватан, меҳнат, илм-ҳунар эгаллаш, саховат ва адолат каби.

Мақолларда кўпинча сўзлар кўчма маънода ишлатилган бўлади. Уларни ўз маъносида тушунсак, биз ифодаламоқчи бўлган маъно чиқмайди. Масалан, "Қуш тилини қуш тушунади" ёки "Қарға қарғанинг кўзини чўқимайди" каби.

Замонлар ўтиши билан кўп сўзлар эскиради. Ўрнига янгиси келади. Вақти келиб ўша янгиси ҳам ўзгаради, ўрнига бошқаси келади. Масалан, "қўл"ни бир вақтлар "ал" дейишган. Хусусан, Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит-турк" асаридан олинган "Кузаку узун бўлса, алик куймас" мақолидаги сўзларни фақат тил ва адабиёт фани билан шуғулланувчилар биладилар. Кўряпсизки, ҳамма нарса ўзгаришда экан. Мақоллар ҳам ўзгаради, лекин жуда секин ўзгаради. Сўзлари ўзгарганда ҳам мақсади, мазмун-моҳияти ўзгармайди.

Кўплаб мақолларда ички қофия бўлади. Масалан, "Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда".

Халқ мақоллари – бизнинг бойлигимиз. Ота-боболаримизнинг сиз билан бизга қолдирган хазиналаридан биридир. Уларни излаб топинг, севиб ўрганинг. Керак ўринларда фойдаланишни одат қилинг. Шунда улар бутун умрингиз давомида ҳамроҳингиз бўлади. Ҳар бир гапирган гапингизнинг салмоғи ошади. Сермазмун, таъсирчан, кескир бўлади. Одамлар, дўстларингиз орасида обрўйингиз ошади ва муомала маданиятингиз юксалади. Шунинг учун ҳам "Сўзнинг кўрки – мақол", дейдилар.

**Зиёдахон РОЗИҚОВА,**
**Халқ таълими аълочиси, Шайхонтоҳур туманидаги 262-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси**

***Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонлиги иштирокида ёшлар ўртасидаги долзарб масалаларга бағишланган Ёшлар анжуманлари, давра суҳбатлари, "Ёшлар пресс-клуби"нинг сессиялари, мактаб ўқувчилари ўртасида "Ёш гвардиячилар" ҳарбий-спорт мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда.***

# МИЛЛИЙ ГВАРДИЯ ВА ЁШЛАР

Шу жумладан, куни кеча Тошкент шаҳар Ёшлар марказида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мақсадида Миллий гвардия қўмондонлиги ташаббуси билан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши ҳамкорлигида "Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамиз!" шиори остида туркум тадбирларни ўз ичига олган форум ташкил этилди.

Мазкур тадбир Миллий гвардия ва Қўриқлаш хизмати тизимида мавжуд ҳарбий техника, қурол-аслаҳа ва объектни қўриқлашга оид махсус воситаларининг кўргазмаси билан старт олди. Кўргазма давомида Талабалар шаҳарчасининг барча талаба-ёшлари учун Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ўқувчиларининг мусиқий чиқишлари намойиш этилди.

Очиқ осмон остида бўлиб ўтган кўргазма ва мусиқий дастур билан бир қаторда спортга қизиқувчи ёшлар учун Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари бокс бўйича Олимпиада ўйинларининг чемпиони Фазлиддин Ғойибназаров ҳамда профессионал боксда WBA ва IBF йўналишларида жаҳон чемпиони Мурожон Аҳмадалиевлардан мастер класс ташкил этилди. Қисқа машғулотлардан сўнг чемпионлар ва ёшларнинг ўзаро дўстона суҳбати мобайнида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ёшлар марказининг турли нуқталарида ўтказилган тадбир иштирокчилари Маданият саройида бўлиб ўтган "Миллий гвардия ва ёшлар" учрашувида жамланди. Давлат мадҳиясининг янграши ва Миллий гвардия фаолиятига оид роликлар намойиши билан бошланган учрашувда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг ўринбосари Ш.Шакиров, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи раисининг биринчи ўринбосари А.Жумабоев, Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти бошлиғи М.Рустамбаев, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Д.Раҳимова, Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари Ф.Ғойибназаров ва М.Аҳмадалиев ҳамда талаба-ёшлар иштирок этдилар.

Меҳмонларининг кириш сўзларидан сўнг тадбир очиқ мулоқот тарзида давом этди. Учрашув меҳмонлари саволларга ўзларининг шахсий ҳаётий тажрибасидан намуналар келтириб, атрофлича жавоб бердилар. Миллий гвардия қўмондонлиги иштирокида бўлиб ўтган ушбу тадбир бошқа учрашувлардан фарқли равишда ёшларнинг кўплаб таклиф ва муаммолари ечимига қаратилди. Ёзма тарзда келиб тушган мурожаатлар бўйича эса Миллий гвардия қўмондонлигининг ишчи гуруҳи ташкил этилди.

Мазкур тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси билан ёшлар масалалари йўналишида доимий ҳамкорлиги ўрнатилган ташкилот вакиллари ва фаол ёшлар Миллий гвардия қўмондонлигининг ташаккурномаси ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

— Мен ёшлигимдан ҳарбий соҳада фаолият юритишга қизиққанман, лекин яқинларим ва дўстларим доимо танқидий фикр, яъни ҳарбий соҳа аёл кишининг касби эмас деган фикр билдирганлар, – дейди Ўзбекистон Миллий университети 1-босқич талабаси Гулбону Қувватова. — Бугунги учрашувда мен ҳам ўзимни қийнаб келаётган савол билан мурожаат этдим. Ва амин бўлдим-ки, қизлар ҳам ҳарбий соҳада ишлаши мумкин, бунинг учун олий ҳарбий таълим муассасаларида таҳсил олиш шарт эмас, шунчаки таълим олган йўналиши бўйича ҳар томонлама етук, кенг дунёқарашга эга мутахассис бўлса, албатта ҳарбий хизматчи сифатида ишини давом эттириши мумкин экан. Университетни тамомлагач, мен албатта Миллий гвардия сафида Ватанимга хизмат қилишга аҳд қилдим.

— Биз давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида жонбозлик кўрсатаётган, мамлакатимиз обрўсини халқаро майдонда юксалтираётган мард ва жасур, элюртга садоқатли ўғил-қизларимиз кўплигидан фахрланамиз, – дейди Миллий гвардия қўмондонининг ўринбосари Ш.Шакиров. — Мазкур учрашувдан асосий мақсадимиз ёшларимизнинг муаммоларини ўрганиш, уларнинг ечимини топишдан иборат бўлди ва бунга эриша олдик деб ўйлайман.

Шунингдек, мазкур форум Миллий гвардия ҳарбий хизматчилари ва фаол ёшлар иштирокидаги махсус флешмоб билан ўз якунига етди. "Гвардия ва ёшлар" флешмоби давомида ёшлар ҳарбий хизматчилар билан яқиндан мулоқот қилиб, суҳбатлашиш имконига эга бўлдилар.

Миллий гвардия ва ёшлар учрашувлари туркумидаги тадбирлар республикамиз бўйлаб давом этади.

**Нафосат ЗАФАРОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Матбуот хизмати етакчи мутахассиси**

***Бугунги кунда Президентимизнинг узоқни кўзлаган тавсиялари асосида Халқ таълими вазирлиги тизимли таълим-тарбия ишларини олиб бормоқда. Бу эса мамлакатимиз ёшлари манфаатини таъминлашга хизмат қилмоқда.***

# БИР БОЛАГА ЕТТИ МАҲАЛЛА ОТА-ОНА

Дарҳақиқат бугунги кундаги ислоҳотлар буюк аждодларимиз йўлидан бориб келажак авлодларимиз тарбиясини том маънода намунали шакллантиришни режа этгани Президентимизнинг маърузаларида такрор-такрор очиб берилмоқда ва кўрсатилмоқда.

Шундай дориломон кунларда халқ таълими тизимидаги шундай муаммолар борки очиб берилиши ва ёритилиши муҳимдир. Фарзандлар, ёшларимизнинг ота-оналари томонидан назоратда бўлишининг сустлашганлиги, назоратдан четда қолишаётганидир.

Дарсдан сўнг ўқувчиларнинг назоратсиз қолдирилиши содир этилаётган жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар мисолида яққол кўринмоқда. Ота-оналарнинг оила ва турмуш фаровонлиги йўлида вақтларининг асосий қисми фарзанд тарбияси билан банд бўлиш ўрнига оила тебратиш ва пул топиш билан банд бўлаётганлигини оғриқли нуқталаримиз сирасига киритишимиз мумкин.

Президентимизнинг давлат хизматидаги ходимларнинг дам олиш вақтини оила даврасида ўтказишини тавсия қилиб дам олиш соатларини ишхонларда эмас оила даврасида ўтказишини жонкуярлик билан тавсия қилаётганларида ҳам албатта фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, маънавий-ахлоқий, хулқи гўзал бўлиши ўйланганлиги барчамизга аёндир.

Мактабларда фарзандларимизнинг бўш вақтларини албатта дарсдан сўнг турли хил тўгараклар билан банд этилишида Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 ташаббус муҳим ўрин эгалламоқда. Кўп йиллардан буён халқ таълими тизимида фаолият юритиб билганларимнинг ўзаги шундаки фарзандларимиз таълим-тарбиясида мактаб билан бир қаторда ота-оналар масъулиятини янада кучайтиришимиз шарт. Фарзандларимиздан ҳуқуқбузарлар эмас Амир Темур, Алишер Навоийлар ва йўлбошчилар чиқиши лозим.

Бугун ёшларимизнинг таълим-тарбиясига Халқ таълими вазирлиги билан бир қаторда Прокуратура, Ички ишлар, Ижро ҳокимияти ва ота-оналаримиз бирдек масъул бўлиб турган бир даврда ўқувчи-ёшларимиз етук кадрлар бўлмоғи лозим. Зеро, фарзандларимизнинг тарбияси ва сифатли таълим олишларига барчамиз масъуллигимизни янада ошириб "Бир болага етти маҳалла ота-она" тамойилига бирдек виждонан ёндошмоғимиз шарт.

**Малика БЕГИМОВА,**
**299-мактаб ўқитувчиси**

# СПОРТ БАРЧАНИ БИРЛАШТИРАДИ



***Умумтаълим мактабларида ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этишда маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича Президентнинг 5 та муҳим ташаббуси илгари сурилган эди.***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида Халқ таълими ҳамда Жисмоний тарбия ва спорт вазирликлари ҳамкорлигида ташаббусларнинг иккинчи йўналиши – ёшларни жисмоний чиниқтириш ва спорт соҳасида ўз қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратиб бериш бўйича амалга оширилаётган ишларга бағишланган матбуот анжуманида бу борадаги ишлар ҳақида маълумот берилди.

Иккинчи йўналиш доирасида "Қувноқ стартлар", "Спорт доим ютади" мусобақаси, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш, машҳур спортчилар билан мактаб ўқувчиларининг учрашувларини ташкил этиш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Мусобақа 2019 йил ноябрь-декабрь ойларида мамлакат миқёсида барча туман ва шаҳарлардаги умумтаълим мактабларида ўтказилган эди. Якуний босқич барча ҳудудларда жорий йилнинг март ойида ўтказилади.

Таъкидлаш лозимки, 5 та муҳим ташаббус амалиёти жорий этилган 42 туман ва шаҳардаги 183 умумтаълим муассасасида 2019 йил октябрь ойида ноанъанавий тарзда 5-8-синф ўқувчилари ўртасида "Қувноқ стартлар" спорт мусобақаси ўтказилди. Ушбу мусобақаларга жами 122 минг 74 ўқувчи (61195 қиз) жалб этилиб, 1 минг 806 нафари ғолибликни қўлга киритди.

Маълум қилинишича, жисмоний тарбия ва спортни янада оммавийлаштириш мақсадида жорий йилнинг февраль-март ойларида "5 ташаббус Наврўзда" фестивалини ўтказиш белгиланган. Ушбу фестиваль доирасида "Болалар спартакиадаси" миллий ва ҳаракатли спорт ўйинлари ўтказилиши кўзда тутилган.

"Спорт доим ютади" мусобақаси чекиш, алкоголь маҳсулотлари ва гиёҳвандлик моддаларининг истеъмол қилинишига қарши курашиш мақсадида спортнинг футбол, шахмат-шашка, баскетбол, стол тенниси, армрестлинг турлари бўйича оммавий спорт мусобақалари ўтказишга қаратилган. "Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш" лойиҳасида спорт ва пиёда саёҳатлар, марафонлар ташкил этилади.

"Машҳур спортчилар билан мактаб ўқувчиларининг учрашувларини ташкил этиш" лойиҳаси доирасида мактаб ўқувчилари ҳамда маҳалла ёшларининг спортга бўлган қизиқишини янада кучайтириш, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида юқори натижага эришган спортчилар мактабларга таклиф этилди. Маҳаллаларда давра суҳбатлари ва учрашувлар ўтказилди.

Умумтаълим мактабларининг спорт иншоотларида соат 16:00 дан 21:00 га қадар, шунингдек, дам олиш кунлари эса эрталабдан кечга қадар 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар ва маҳалла аҳолиси мазкур спорт иншоотларида шуғулланмоқда.

Бундан ташқари, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, кашандалик каби иллатларнинг олдини олишга, шунингдек, аҳолининг кенг қатламини жисмоний тарбия ва спортга жалб этишга қаратилган "Ҳоким кубоги" акцияси, "Ёшлар марафони", ҳафталик спорт мусобақалари каби тадбирларни ўтказиш йўлга қўйилди.

Ёшлар, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида маҳалла, қишлоқ, истироҳат боғлари, корхона ҳамда муассасаларда эрталабки оммавий спорт машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

**Барно МЕЛИҚУЛОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ҒОЛИБЛИК САРИ ҚАДАМ

***Мамлакатимизда ёшларни ўқиб, изланишлари, юрт шарафини ҳам маънан, ҳам жисмонан ҳимоя қилишга доимо тайёр туришлари учун барча шарт-шароитлар яратилган. Таълим йўналишининг ҳар бир жабҳасида жаҳоннинг энг илғор педагогик технологиялари асосида сабоқ берилмоқда.***

Келажагимиз эгалари таълимнинг ҳар бир йўналишида билим олишлари учун барча имкониятлар бисёр. Спорт турларининг барча йўналишларида шуғулланишлари ва малакаларини оширишлари учун спорт мажмуалари ёшларимиз ихтиёрида. Малакали мураббийлардан спортнинг сир-асрорларини ўрганган, имкониятлардан самарали фойдаланган спортчилар кўплаб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Бундай спортчиларни саралашда турли мусобақаларнинг ўрни катта. Мудофаага кўмаклашувчи Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти томонидан ўтказилаётган спорт мусобақалар ҳам айнан шу мақсадда ташкил этилмоқда.

Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти тасарруфидаги Ўқув спорт техника клублари ўртасида спортнинг пневматик қуролдан ўқ отиш тури бўйича Тошкент шаҳар очиқ Кубогининг биринчи босқич мусобақаси Олмазор туманида ўтказилди. Тадбир аввалида Тошкент шаҳар "Ватанпарвар" ташкилоти раисининг спорт ишлари бўйича ўринбосари сўзга чиқиб, республикамизда спортга қаратилаётган эътиборга тўхталиб ўтди. Иштирокчиларга омад тилаб, чемпионатни очиқ деб эълон қилди. 50 дан ортиқ мусобақа қатнашчилари ўз жамоалари ва Ўқув спорт техника клублари шаънини ҳимоя қилиш мақсадида ғолиблик учун беллашди. Ёшларимиз олдиндан олий ўрин учун тинимсиз ҳаракат қилишгани чемпионат давомида сезилди.

Мусобақасининг жамоавий натижаларига кўра 1-ўрин "Миробод ЎСТК", 2-ўрин РОСММ, 3-ўрин "Чилонзор ЎСТК" эгаллашди.

**Зарина РУСТАМОВА**


## Реклама ва эълонлар / Реклама ва эълонлар

### ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

**"Олмазор кичик саноат зонаси" акциядорлик жамияти**
**Сизларни жамият ҳудудида жойлашган бино қисмини имтиёзли равишда узоқ муддатли ижарага бериш бўйича ўтказиладиган танловга**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

АСОС: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги ПҚ-3356-сонли ва 2017 йил 18 майдаги ПҚ-2973-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 31 декабрдаги 378-сонли қарори ва 2017 йил 4 июлдаги 463-сонли қарорлари, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 30 октябрдаги 1453-сонли ва 2017 йил 23 майдаги 638-сонли, 2015 йил 12 январдаги 14-сонли қарорлари. Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган кичик саноат зоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Маъмурий кенгашнинг 2020 йил 29 январдаги 31-сонли баёни.

*"Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ*

- Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.
- Умумий ер майдони: 10,35 га.
- Ижарага берилаётган бинолар ва иншоотлар сони: 1 та лот.
- Жами ижарага берилаётган майдон: 479.41 кв.м.
- Коммуникация тармоғи: Электр энергияси, газ тармоқлари ва совуқ сув билан таъминланган.
- Саноат зонасининг йўналиши: Электр техникаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш.

Танловда қатнашиш учун таклифларни топшириш манзили: "Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.

Танловда қатнашиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: 2020 йил 30 март соат 18:00.

Танлов ўтказиш санаси: 2020 йил 31 март, соат 17:00 да.

Танлов ўтказиш манзили: "Олмазор кичик саноат зонаси" АЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Янги Олмазор кўчаси, 51-уй.

Маълумот учун телефонлар: 71 248-02-70, 248-02-70 (факс).

Электрон почта манзили: oniks.mikond@mail.ru


## "101"

# ХОНАДОНЛАРДА ЁНҒИН СОДИР БЎЛМАСИН

Бепарволик қанчалик аянчли оқибатларга олиб келиши ҳақида тушунчаларга эга бўлган айрим юртдошларимиз ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишга шошилишмайди.

Барчамизга маълумки, ёнғинлар газ ва электр ускуналаридан нотўғри фойдаланиш, болалар шўхлиги, маст ҳолатда сигарета чекиш ва бошқа сабаблар оқибатида юз беради. 2020 йилнинг 23 февраль куни соат 07:58да Юнусобод тумани, Боғишамол 2-тор кўчаси, 6-уйда ёнғин содир бўлган. Натижада уйнинг ички ва том қисми 180 кв.м. майдонида талафот кўрган. Ёнғин жойига 4 та техника жалб қилинди. Ёнғин-қутқарув жанговар бўлинмалари манзилга соат 08:03да етиб борган ва кўрилган тезкор чора ва ҳаракатлар натижасида ёнғин соат 08:34да бартараф этилди ва тарқалишига йўл қўйилмади. Ёнғин сабаблари ва ёнғиндан келтирилган моддий зарар миқдори аниқланмоқда.

**Муслима РАҲИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қарашли "Архив" ва "Халқ қабулхонаси" биноларида ЁХТТЭБ катта инспектори, майор**

* * *

Фуқаролардаги лоқайдлик ва бефарқлик туфайли яшаш жойларида ҳамон ёнғинлар содир бўлиб турибди. Кимнингдир айби билан содир бўлган ёнғин кўплаб моддий бойликларни кулга айланиши, уй-жойсиз қолишига сабаб бўлаётир.

Фуқароларнинг ёнғин хавфсизлиги қоида талабларига риоя этишлари, лоқайдлик ва эътиборсизлик сингари иллатлардан холи бўлиб, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этилишида давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига яқиндан ёрдам беришлари лозимлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чунки ўз уйи ва ўзгалар ҳаёти учун жавобгарлик ҳар бир кишининг виждон иши бўлиши керак. Ёнғин хавфсизлигини таъминлашда фаоллик кўрсатиш бурч эканлигини ҳеч ким унутмаслиги зарур.

**Акбар ЗОИРҚУЛОВ,**
**"Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуаси"да ЁХТТЭБ Ёнғин назорати ва профилактика бўйича инспектори, лейтенант**

* * *

Ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинга олиб келувчи ҳолатларни ўз вақтида бартараф этиш нафақат турар жой ёки барча ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва идораларнинг маъмурий бино ҳамда иншоотларида ўзига хос малака талаб этади.

Тошкент шаҳар ФВБ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат Бошқарув академияси биносидаги эътиборли жиҳатларидан яна бири – бу ёнғинларнинг олдини олиш ва ёнғинга олиб келувчи ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадларида жамоатчилик вакилларидан иборат кўнгилли ёнғин ўчириш дружинасининг ташкил этилганлигидир. Объектда ёнғинларнинг олдини олишга оид тадбирларининг юқори самара беришида ҳамкорлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Ёнғинга олиб келувчи ҳолатларни бартараф этишда бундай ҳамкорликнинг ўрни катта.

**Бекжигит ЖАНИБЕКОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси биносида ЁХТТЭБ мутахассиси, оддий аскар**

* * *

Агар биз кундалик турмушимизда содир бўлаётган ёнғинларни таҳлил қилсак, аксарият ҳолларда бундай офатлар ўзимизнинг бепарволигимиз, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслигимиз, ёш болаларимизга эътибор бермаслигимиз, уларни ёлғиз қолдириб кетиш оқибатларида юзага келаётганлигини кўрсатади.

Билиб туриб ўзи ва мол-мулкини хатарга қўйишади. Кўпчилик фуқаролар уйларида электр тизимини ўзлари билганича, хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Шунинг учун барчангизни фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраб қоламиз.

**Зафар ҒОФУРОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси биносида ЁХТТЭБ мутахассиси, оддий аскар**

* * *

Инсоният ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири – ёнғин бўлиб, у қай тарзда юзага келишига қарамай, ўзининг мудҳиш изини қолдиради.

Корхона ва ташкилотларда содир бўлган ёнғинлар ходимларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиши билан бирга иқтисодиётга ҳам салбий таъсир этади. Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз ёнғинга қарши фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона-ташкилотлар, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш орқали жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз. Арзимасдек туюлган носозлик ҳам ёнғинга сабаб бўлишини унутмаслик лозим.

**Сарвар ТУЛЯГАНОВ,**
**Ўзбекистон давлат консерваторияси биносида ЁХТТЭБ инспектори, капитан**

* * *

Тошкент шаҳар ФВБда "Баъзи давлат органларининг фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинганлигига бағишлаган давра суҳбати ўтказилди.

Унда Тошкент шаҳар ФВБнинг бош юрисконсульти, подполковник А.Фаттохов ўзгариш ва қўшимчалар киритилган қонунларнинг мазмун-моҳиятига бағишланган маъруза қилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 119, 132, 245-моддалари ҳамда "Аҳоли ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 16 ва 23-моддаларига киритилган ўзгаришлар тўғрисида батафсил маълумот берди. Шу билан бирга "Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунига тўхталиб ўтди.

**Аловиддин БАБАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига қарашли "Архив" ва "Халқ қабулхонаси" биноларида ЁХТТЭБ бошлиғи, подполковник**

* * *

Ёнғин туфайли дунё бўйлаб йилига қанчадан-қанча кишилар бошпанасиз қолади, соғлиғини йўқотади, ҳатто ҳалок бўлиш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун эса ҳар биримиз бу офатга қарши ёхуд унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона ва ташкилот биноларда, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Қоидаларга амал қилиш орқали биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўламиз.

**Комил ҚОДИРОВ,**
**Миробод тумани Норматив-техник бўлинмаси бошлиғи, лейтенант**

* * *

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Амалга оширилаётган тадбирлардан кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтиришдан иборатдир.

Шундай экан, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиб, ўзимиз ва яқинларимиз ҳаётини асрайлик.

**Акбар АЛМЕТОВ,**
**Тошкент шаҳар ФВБ ВМ аппарати хўжалик фаолияти бошқармасининг Автохўжалиги биносини ЁХТТЭБ ЁН ва ПБ мутахассиси, катта сержант**


Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95, факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 246

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1193 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.45

1 2 3 4 5